*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**2 декабрь**
ЧОРШАНБА
**№ 96** (12836)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Аср қурилиши

## «ОРЗУ» ЙЎЛИДАГИ ҲАЙРАТ

**Айтишларича, инсон умрининг ярмидан кўпроғи йўлда ўтар экан. Алалхусус, "юрган дарё" деганлари бежиз эмас. Юрар йўлинг текис, равон бўлса, бахтинг чопгани шу. Аксинча, қийшиқ-қинғир, ўйдим-чуқур, тош-тиканли йўллар машаққатини ундан юрганлар билади. Шукрки, Истиқлол туфайли йўлларимиз равонлашиб, узоғимиз яқин, оғиримиз енгил бўлмоқда. Айниқса, иқтисодиётимизнинг қон томири – темир йўл транспорти соҳасидаги улкан бунёдкорлик ишлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизалардан бири десак, муболаға бўлмас. Зеро, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ халқаро ижтимоий, иқтисодий алоқалар ривожи учун дунё бозорига янги йўллар очиш, бошқа давлатлар, минтақалар билан боғловчи транспорт коммуникацияларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратила бошлади.**







Натижада, 1200 километрдан ортиқ янги темир йўллар ётқизилди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз темир йўлларининг умумий узунлиги 6500 километрдан ошди. Асосий қисми халқаро талабларга тўла жавоб берадиган бу темир йўлларда 70 фоиз, экспорт ва импорт учун эса 80 фоиз юк ташилмоқда.

Мамлакатимизда яхлит темир йўл тизимини барпо этиш ғоясининг тўла амалга ошиши учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли аҳоли қатнови учун ҳам катта имкониятлар яратилди. Хусусан, "Ангрен – Поп" йўналиши бўйича қурилаётган электрлаштирилган темир йўлни халқимиз ҳақиқий мўъжиза, дея эътироф этмоқда. Вилоятимизнинг энг баланд, энг хушманзара Қамчиқ довони юқори қисмида барпо этилаётган тоннель – тоғни тешиб ўтказилаётган йўл денгиз сатҳидан 1 минг 465 метр баландликда. Умумий узунлиги 123 километрли ушбу темир йўлнинг 104 километри қуриб, битказилди.

Бу улкан қурилишга Ўзбекистон қайта қуриш ва ривожлантириш фонди, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик жамияти ҳомийлик қилмоқда. Шунингдек, Хитойнинг "Эксимбанк"и томонидан 350 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Олдинда 19 километрли тоннель қурилишининг якунлаш ишлари турибди. Уни қуриш, пардозлаш ишларида Хитойнинг дунёга машҳур "China railway tunnel group" қурилиш компанияси мутахассислари кўмаклашмоқда.

Мазкур тоннель қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, узунлиги бўйича МДҲда биринчи ўринда туради. Ҳақиқий "аср қурилиши"-ни Ўрта Осиёда ягона дея тан олинаётгани бежиз эмас!

Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбарининг Наманганда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаган сўзларини келтириш жоиз: "Денгиз сатҳидан қарийб 1,5 минг метр баландликда жойлашган, мураккаб тоғ тизмаларини кесиб ўтадиган, 19 километрдан зиёд тоннелни ўз ичига оладиган, хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда барпо этилаётган ушбу ноёб лойиҳа бўйича ҳозирги вақтда 104 километр йўл қуриб битказилди... Бу замонавий коммуникация тармоғи Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали ишончли боғлаш имконини беради. Айни пайтда у Европа ва Осиё қитъаларини бир-бири билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг энг муҳим бўғинига айланиши билан ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эгадир".

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Конституциясининг 23 йиллиги арафасида ташкил этилган ушбу темир йўл бўйлаб саёҳат иштирокчиларга чуқур ҳаяжон, беқиёс завқ-шавқ бағишлади.

*(Давоми 2-бетда).*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси 2015 йил 3 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 2 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН СИЁСИЙ ҲУЖЖАТ

**Конституциямизда "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", дейилади. Маълумки, ҳуқуқий демократияга, адолатга асосланган давлатда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири давлат бошқарувининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишидир. Чунки мамлакатда мустақил суд-ҳуқуқ тизими шаклланмас экан, ижтимоий ҳаётнинг бошқа тармоқлари фаолиятини талаб даражасида таъминлаш мумкин эмас.**

"Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринлидир" деб таъкидлаган эди Юртбошимиз. Зотан, Асосий қонунимиз янги миллий давлатчиликнинг яратилиши, шунингдек жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларни чуқур ислоҳ қилишда муҳим ва беназир омил бўлди.

Эркинлик ва янги жамият қуришнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатига айланган Конституцияни яратиш ғояси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Мустақиллик декларацияси қабул қилинган 1990 йилнинг 20 июнида илгари сурилган эди. Конституцияни ишлаб чиқиш бўйича Президент бошчилигида масъулиятли Комиссия тузилди. Асосий қонунда ўтмиш давлатчилигимиз ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда миллий ва маънавий қадриятларимизни имкон қадар акс эттиришга ҳаракат қилинди. Комиссия ишлаб чиққан Конституция тўғридан-тўғри қонун чиқарувчи ҳокимиятга юборилмай, фуқароларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси одамларнинг ўз фуқаролик ва сиёсий-ижтимоий ҳуқуқлари ва уларга амал қилиш тамойилларини қай даражада билишларига, умуман олганда, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятига боғлиқдир.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг, иқтисодий ва сиёсий тузумнинг, ижтимоий муносабатлар ҳамда жамият маънавий ҳаётининг асосларини белгилаб берди. Конституцияга мувофиқ инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Шунинг учун инсон ҳуқуқларига ҳамманинг ҳурмат билан қараши ва риоя этиши мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор стратегик йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими шаклланиб, шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларига оид қонунларга итоат қилиш юртимизнинг ҳар бир фуқароси ва мансабдор шахси учун муҳим вазифадир. Шу вазифани амалга оширишда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи Омбудсман институти муҳим аҳамият касб этади.

1997 йил 24 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, Омбудсман давлат органлари, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларига оид амалдаги ҳужжат ва тартиб қоидаларга риоя этиши устидан парламент назоратини таъминлаш, ушбу қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш ва уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маданиятини оширишга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонуни билан Омбудсман фаолияти ҳуқуқий тартибга солинди.

Омбудсман фаолияти билан боғлиқ ташкилий ва ахборот-таҳлилий ишларни котибият амалга оширади. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия Омбудсман фаолиятига кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмасидир. Барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолият юритади. "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Омбудсманнинг минтақавий вакиллиги илк бор Тошкент вилояти ҳокимининг 2000 йил 7 апрелдаги қарори билан тузилди ва фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш ва мутасадди ташкилотларда

*(Давоми 2-бетда).*

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ЎЗИНИ ЎЗИ АЛДАЁТГАНЛАР»

Газетанинг шу йил 31 октябрдаги 87-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Бўка туманидаги умумтаълим мактаблари ва болалар боғчаларини куз-қиш мавсумига тайёрлашдаги камчилик ва нуқсонлар хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар баён этилганди.

Таҳририят ушбу танқидий мақола юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қ. Мавлонов имзоси билан жавоб мактуби олди. Унда таъкидланишича, танқидий мақола вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари иштирокида ўтказилган йиғилишда ўқиб эшитилди ва унда келтирилган камчилик ва нуқсонлар атрофлича муҳокама қилинди. Қайд этилдики, ҳақиқатан ҳам тумандаги 7-мактабгача таълим муассасасида (мудира Ф. Асқарова) куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳақида жамоатчилик далолатномаси тузилмаган. Манзилли дастур асосида таъмирланаётган муассаса ҳудудини ободонлаштиришнинг аҳволи қониқарсиз. Ёнғин хавфсизлиги, сув ҳавзалари ва ҳожатхоналарнинг аҳволи яхши эмас. Қиш мавсумида газ босими камайиб кетиши эҳтимоли бўлсада, қозонлар муқобил ёнилғи билан ишлаш учун мослаштирилмаган.

12-мактаб (директор Н. Абдуллаева) ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарликка оид жамоатчилик далолатномасига эга эмас. Бино томининг ҳолати талабга жавоб бермайди. Дераза ромлари сифатсиз. Ҳудуднинг ободонлаштирилиши қониқарсиз. Ёнғин хавфсизлиги бурчаги тўла жиҳозланмаган. Тарновлар ачинарли аҳволда.

Шунингдек, 6-, 11-, 14-, 34-, 35-, 37-, 52-мактаблардаги камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, раҳбарларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Руҳшунос маслаҳати

## БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Онасининг тарсакисидан йиғлаб юборган боланинг овози дастурхон атрофидагиларнинг кайфиятини бузди.

– Қизим, ахир бу болаку, нима қиласиз уриб, – деди қайнота жаҳл билан.

– Кел ўзимга, асал болам, қаймоқ болам, ойингни "атата" қилайми? Ана урдим, бўлди йиғлама, – деб набирасини бағрига босди қайнона. – Иккинчи марта болага қўл кўтарманг Наргизахон.

Баъзида фарзанд тарбиясида шунга ўхшаш тортишувларга гувоҳ бўламиз. Табиийки, савол туғилади: 3-4 ёшлардаги бола тарбиясида оилавий муҳитнинг аҳамияти қандай?

– Қадимги юнон файласуфлари Платон ва Аристотель бола тарбиясини жамият ўз зиммасига олиши, тарбия билан боғлиқ барча зарур ишларни давлат бажариши лозим деган ғояни илгари сурганлар, – дейди вилоят Саломатлик ва тиббий статистика институти психологи Зулайҳо Шерматова. – Бу каби фикрларни Сен-Симон, Шарль Фурье ва Девид Рикардоларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Бироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат каби кўплаб бобокалонларимиз оилавий тарбияга, яъни бола тарбиясида оиланинг ўрни ва роли катта эканлигига урғу берганлар ва буни ўзлари кўрган-кечирганлари мисолида исботлаганлар.

*(Давоми 4-бетда).*

Маросимларга муносабат

## ИСРОФ – ҲАДДАН ОШМОҚДИР

**Халқимиз орзу-ҳавасли. Тўй-ҳашамларни хуш кўради. Шунинг учун бўлса керак, маросимларимиз бошқа халқларга қараганда бирмунча кўпроқ. Ислом шариатида эса никоҳ, ақиқа каби бошқа тантаналар ҳамда марҳумларни хотирлаш тадбирларида дастурхон ёзиб, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва таниш-билишлар билан дийдорлашиш тарғиб қилинган.**

Бироқ, кейинги вақтларда дабдабабозликка берилиш, меъёрдан чиқиш, ҳам шаръий, ҳам миллий анъаналарга тўғри келмайдиган ҳолатлар кузатилмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, маросимларда ортиқча сарф-харажат, тўқликка шўхлик дегандек, урф ва расм-русумларимизда йўқ ножоиз одатлар кўпаймоқда. Ваҳоланки, керагидан ортиқ сарф-харажат биринчидан, исроф бўлса, иккинчидан риёкорликдир. Қолаверса, шариатда хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан мақсад муҳтож ва фақирларни таомлантириб, кўнглини кўтариш ҳамдир.

Тўй ва бошқа маросимларга риёкорлик, кибр, манманлик ва исрофни аралаштириш, ортиқча сарф-харажат қилиб, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказиш катта гуноҳларга эшик очади. Зеро, мол-мулкни зое қилишнинг жиддий турларидан бири исрофдир. "Исроф" сўзи араб тилида "чегарадан чиқиш", "бир нарсани қасддан унутиш ёки ўз ўрнига қўймаслик" деган маънони англатади. Исроф сўзи моддий ва маънавий мақсадда ишлатилиши мумкин. Шаръий манбаларда айтилганидек, "Инсон қиладиган ҳар бир ишда ҳаддан ошиш – исрофдир".

Бугунги кунда юртимизда маросим ва тантаналар шунчалик кўп ва хилма-хилки, уларнинг қайси бири диний ва миллий қадриятларимизга мувофиқлигига ва яна қай бири бидъат-хурофот эканига аҳамият бериш ва унинг риояси айримларимизни бироз бўлсада қизиқтирмай қўйди, десак муболаға бўлмас. Асрлар давомида нишонланиб келинаётган маросимларни тўғри ташкил этиш, уларни турли бидъат амаллардан тозалаш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик, айниқса, Ғарб жамиятидан кириб келаётган, бебаҳо қадриятларимизга зид оломонча маданият васвасаларидан миллий ва диний удумларимизни эҳтиёт қилишимиз лозим. Шу хусусда айрим жиҳатларга тўхталиб ўтиш жоиз.

*(Давоми 4-бетда).*

Аср қурилиши



# «ОРЗУ» ЙЎЛИДАГИ ҲАЙРАТ

Эъзозли кексалар, меҳнат фахрийлари, иқтидорли ёшлар, шоиру ёзувчилар, хонанда ва созандалар, рассомлару журналистлардан иборат меҳмонларни Тошкент темир йўл вокзалида кутиб олган ташкилотчилар, темир йўл хизматчиларининг самимийлиги, замонавий кўринишдаги электр поездининг қулай, шинам, ораста вагонлари, либослари ярашган йўл бошловчи йигит-қизларнинг хушмуомаласи эрталабдан ҳамманинг кайфиятини кўтариб юборди. Кўнгиллар тоғ, вақтлари чоғ саёҳатчилар Оҳангарон, Ангрен бўйлаб ястаниб ётган яшил далалар, кенг қирлар, сервиқор тоғларни томоша қилар эканлар, "Қандай гўзал, фусункор диёримиз бор!" дея завқланишарди...

– Қаранг, худди текис йўлдан кетаётгандек бемалол юраяпти, – дейди Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайри ая Мирзажонова. – Аслида баланд тоғ тепасига кўтарилаяпмиз. Ана сизга мўъжиза?! Бир пайтлар бунақа йўлларни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Саноқли соатларда манзилга ўйнаб-кулиб етиб олиш мумкин. Бундай имкониятлардан ёшариб кетгандек ҳис қилар экан одам ўзини...

– 72 ёшдаман, – дейди қибрайлик меҳнат фахрийси Саёҳат ая Иброҳимова. – "Ангрен – Поп" йўналишидаги темир йўлнинг илк қатновчиси сифатида айтишим керак, мустақиллик неъматлари нақадар тотли... Ахир, вилоятимиз чиройига чирой қўшаётган бу ноёб йўл иншооти орқали тезда пурвиқор тоғлар бағрига етиб келдик...

– Янги темир йўл бизнинг Оҳангарон тумани қишлоқларига ўзгача файз бағишлади, – дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Йўлдошева. – Ана, гўзал Чинор, Четсув, Эртошсой, Бешкўл, ниҳоят, Орзу қишлоқлари, уларнинг ажойиб боғ-роғлари, далаю қирлари кўз олдингизда.

Бир томони тоғ, бир томони мавжланиб турган бепоён кўл бўлган гўзал Четсув аҳолиси "Кўл" станциясида темир йўлнинг илк йўловчиларини қучоқ очиб кутиб олишди. "Шош наволари", "Сардор" гуруҳи аъзоларининг шўх-шодон куй-қўшиқлари, рақслари, адабиёт аҳлининг дилтортар шеърлари, кекса отахонларнинг эзгу тилаклари четсувликларга бир олам қувонч бахш этди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг Ватан ҳақидаги шеъри барчани қувонтирди.

– Четсув менинг она қишлоғим, туғилиб ўсган маконим, – деди 81 ёшли Абдуманноб ота Абдиев. – Меҳмонлар келса, бошимиз осмонга етади. Мана шу янги темир йўл туфайли қишлоғимиз янада ободликка, фаровонликка юз тутишига, фарзандларимиз Юртбошимиз таъкидлаганидек, бизданда ақлли, биздан-да бахтли бўлишига ишонаман...

– Биз ҳам жуда хурсандмиз, – дейишди Боймат ота Маллаев, Жўрабой ота Кидиров каби собиқ кончилар. – Газетангизда муҳтарам Юртбошимизга бизнинг чексиз миннатдорчилигимизни айтиб қўйсангиз. Ахир, ушбу темир йўл қурилишида қанча-қанча ёшларимиз ишлашаяпти, оиласини боқаяпти... Қолаверса, энди водийлик дўстёрларимиз ҳузурига бемалол поездда бориб келаверамиз. Йўл қурган, қураётганларнинг барчасига раҳмат-э. Омон бўлишсин...



Орадан кўп ўтмай, саёҳатчилар орзиқиб кутган "Орзу" бекати, темир йўл вокзалига етиб келишди. Бу ерда "Ангрен – Поп" темир йўлининг Қамчиқ довонини кесиб ўтган тоннель қисмини қуриш, пардозлаш ишлари давом этмоқда. Довоннинг ўзига хос гўзаллигига уйғун равишда қад ростлаб турган бўйи 7,5 метрлик тоннелнинг кириш аркаси маҳобати қалбларни ажиб ифтихор туйғуларига чулғайди. Нақадар фусункор, салобатли! Тоннелда жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилаётган хитойлик мутахассислардан бири, қурилиш директори Худжин Пинни суҳбатга тортдик:

– Ўрта Осиёдаги энг узун тоннель қурилиши охирига етай деб қолди, – деди у. – 19 киллометр йўл тоғ бағрини кесиб ўтиши осон эмас. Ҳозир бу ерда 600 га яқин қурувчилар ишлашаяпти. Биз маҳаллий аҳоли билан тез тил топишиб кетдик. Уларнинг самимийлиги, хушмуомалалиги, дўстона муносабати ишни осонлаштирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай иш четдан қаралганда яққол кўзга ташланади. Қурилиш ишларини назорат қилиб турган Германиянинг "ДВ интернейшнл" компанияси бу ноёб қурилишнинг сифатига жавобгарликни зиммасига олган. Таъбир жоиз бўлса, халқаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлайдиган тоннель халқимиз фаровонлиги, тараққиётимиз тимсоли сифатида тарих қатига битилади.

Беихтиёр инсон ақл-закоси, юксак лаёқати маҳсули бўлган бу ноёб иншоот олдида лол қолади киши! Унинг атрофида олиб борилаётган ободончилик ишларини айтинг... Бизнинг ҳайратимизни кузатиб турган "Чинор" маҳалласи раиси Умарали Саидовни суҳбатга чорладик:

– Бундан 25-30 йиллар аввал бу залворли тоғ бағридан темир йўл ўтиши мумкинлиги хаёлимизга ҳам келмаган, – дейди у. – Рисоладагидек автомобиль йўли ҳам мустақилликдан кейингина қурилган. Аммо, бугунги довон йўли ақл бовар қилмайдиган даражада... Бундай қулайлик келгуси авлод учун ҳам асрлар давомида хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзим география фани мутахассиси бўлганим учун бу ҳудуднинг беқиёс гўзаллиги, табиий бойликларини яхши тушунаман. Энди ундан нафақат шу ҳудуд аҳолиси, балки бутун Ўзбекистон, ҳатто чет эллик сайёҳлар ҳам баҳраманд бўлиши мумкин...

Саёҳатчилардан бири, Ўзбекистон бадиий академияси қошидаги рассомлар ижодий уюшмаси аъзоси, тасвирий санъат устаси Иброҳим Валихўжаевни қизғин ижод устида учратдик.

– Мен миллий қадриятларимизни, табиат манзараларини мўйқаламда акс эттирар эканман, бу ерда яратилган мўъжизавий йўл бунёдкор халқимиз ақл-закоси, жасорати кўз олдимдан ўтмоқда, – деди у. – Мана бу асарим Қамчиқ довонидаги улкан қурилиш ишлари ва гўзал табиат тасвирига бағишланади.

Сафар таассуротлари ҳар бир саёҳатчи қалбида она Ватан меҳрини янада нурлантириб юборгани айни ҳақиқат. Иқтидорли ижодкор ёшларимиздан бири Аслиддин Сабриддиновнинг йўлда ёзган шеърида шундай сатрлар бор:

*Осон эмас, ҳатто битта*
*гул ўтқазиш,*
*Тилло сирға дудоғига*
*дур ўтказиш,*
*Тоғ бағрини ўйиб-ўйиб*
*йўл ўтказиш,*
*Қадрин билиб юргин*
*темир карвонларим.*

Хуллас, Ангрен шаҳридан бошланадиган "Ангрен – Поп" йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл бўйлаб саёҳат давомида тадбир иштирокчилари соҳага доир қатор бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлишди. Бугунги кунгача ушбу йўналиш доирасида 285 та сув ва 6 та йўл ўтказгич, 13 та темир йўл кўприги, "Орзу" вокзали, "Кўл", "Темирйўлобод", "Қўшминор", "Кон" ва "Чодак" станциялари қуриб, битказилди. Замонавий кўринишдаги, барча қулайликларга эга бу қурилмалар, улар атрофидаги ободончилик ишларидан кўнгил қувнаб, дил яшнайди. Биргина "Орзу" вокзалидаги ораста кутиш зали, она ва болалар хонаси, шунингдек, барча зарур қурилмалар йўловчилар хизматига мунтазир. Қисқаси, халқимиз орзулари рўёбининг шоҳиди бўлишни истаганлар тез фурсатларда ушбу имкониятга эга бўладилар.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

# ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН СИЁСИЙ ҲУЖЖАТ

"Конституциянинг лойиҳаси устида, тахминан икки йил давомида ишладик, – деб таъкидлаган эди Юртбошимиз. – У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди". Энг муҳими, Ўзбекистон Конституциясини жаҳондаги кўплаб давлатларнинг экспертлари ҳам халқчиллик тимсоли деб эътироф этишди.

Конституциямизнинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли деб кўрсатилди ва уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқига оид чеклашлар бекор қилинди. Яъни, 1963 йил қабул қилиниб, 1964 йилдан амалга киритилган Гражданлик кодексининг 120-моддасида фуқаронинг фақат битта уй-жойга эга бўлиши белгиланган эди. 121-моддасида эса, фуқаро бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ уй-жойга эга бўлса, бу тураржой мажбурий тартибда сотилар ёхуд ҳақ тўланмай, давлат мулки таркибига қўшиб олинар эди. Ушбу қоида мустақиллигимизнинг илк даврларидаёқ бекор қилинди ва амалдаги Уй-жой кодексининг 11-моддаси 4-қисмида "Уйлар, квартиралар, уйнинг бир қисми, квартиранинг бир қисмига бўлган хусусий мулк миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатдан чекланмаслиги" қоидаси белгиланди.

Президентимиз таъкидлаганидек, тараққий этган, барқарор ва бадавлат яшаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга шахс ва бундай шахслардан иборат тоифа бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги вазифаларни бажаришга ҳисса қўшади. Ҳақиқатан ҳам хусусий уй-жойга эга шахс жамиятдаги муносабатларда ишонч билан ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Конституцияси олий юридик кучга эга қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий негизини, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият тараққиётининг устувор соҳаларини белгилаб берди. У энг аввало, давлат ҳокимиятини инсон ҳуқуқлари кўламига мутаносиб равишда меъёрлаш ҳамда шу орқали ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва очиқ-ойдинлигини таъминлаш вазифасини ўтамоқда. Янги демократик ўзбек давлатчилиги ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, ушбу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт давомида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг қонуний асосини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу муҳим соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди. Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари қайтадан кўриб чиқилди. Жиноий жазоларни либераллаштиришга доир қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги, судларни фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши одил судловнинг сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришни таъминламоқда. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Бош қомусимиздаги 25- ва 26-моддалардаги ҳеч кимнинг асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги ва 26-моддадаги ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилмагунча, айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги конституциявий меъёрни яна бир бор процессуал жиҳатдан мустаҳкамлади. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳақидаги фармонлар ҳам миллий қадрият ва урф-одатларимиз, ҳам ислом дини таълими ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига ҳамоҳанглиги билан Конституциямизнинг обрў-эътибори ва шаънини улуғлашга хизмат қилди.

Конституциямиз ўтган йигирма уч йил давомида давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитган сиёсий ҳужжат сифатида намоён бўлди. У ҳар биримизни Ватан ва халқ манфаатлари йўлида самарали меҳнат қилишимиз учун янада маҳкамроқ жипслаштирди.

**Муҳайё АШУРОВА,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

қонунларда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ҳамда умумлаштириш мақсадида вакиллик қошида 13 кишидан иборат жамоатчилик асосида ишлайдиган эксперт гуруҳи тузилди.

2013 йил июлда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти минтақавий вакиллиги жамоатчилик асосида ишлайдиган эксперт гуруҳи 15 кишидан иборат янги таркибда тузилди ва фаолият кўрсатиб келмоқда. Вакиллик асосий иш принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократиклик, инсонпарварлик, ошкоралик, очиқлик деб белгиланган.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва шахсан қабул қилиш Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, Омбудсман институти фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш орқали мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим жойларда давлат органлари ва мансабдор шахслар мурожаатларни етарлича кўриб чиқмаётгани билан боғлиқ мурожаатлар ҳам тушмоқда. Мурожаатларнинг умумий кўпайиши бир томондан фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошганлигидан далолат берса, бошқа томондан давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар фаолиятида муаммоли ҳолатлар борлигидан, уларнинг мурожаатларни кўриб чиқишни ташкил этишлари етарлича такомиллашмаганини кўрсатади.

Вилоятда фуқаролардан тушган мурожаатлар таҳлил қилинганда, минтақавий вакилга мурожаатлар йил сайин ошаётгани кузатилди. Бу вилоят фуқароларининг ҳуқуқий маданияти ҳамда Омбудсман институтига ишончи ошганлигидан далолатдир.

Вилоят ҳокимининг қарорига асосан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вилоят минтақавий вакили ишини янада такомиллаштириш, вакилликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, вакил ва эксперт гуруҳи аъзоларининг фаоллигини ошириш ҳамда вилоят аҳолиси мурожаатлари учун қулайлик яратиш мақсадида Зангиота тумани Эшонгузар қўрғони Мустақиллик кўчасида махсус жой ажратилди ва жиҳозлар билан таъминланди. Фуқаролар учун яратилган қулайликлар натижасида 2014-2015 йилларда мурожаатлар кўпайди ва уларни ижобий ҳал этиш даражаси ошди.

2015 йил Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари вакили институти ҳамда Омбудсманнинг Тошкент вилояти минтақавий вакили учун "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ифодалаб берилган Ўзбекистон Республикаси ривожланиш стратегиясини, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим босқич бўлди.

**Лазиза ҒАФУРОВА,**
**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят минтақавий вакили.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

## НУРОНИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Ўрта Чирчиқ туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди режаси асосида "Нуроний ота-оналаримиз – фахримиз" лойиҳаси бўйича белгиланган тадбирларнинг дастлабкиси ўтказилди.**

Унда туман ҳокимлиги, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ва бошқа дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигида байрам дастури тузилиб, тўкин дастурхон атрофида бир гуруҳ ёлғиз ва ўзгалар эътиборига муҳтож кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди, зарур кийим-кечак ва дори-дармон совға қилинди.

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг давлат гранти бўйича ўтказиладиган тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида давом этади.

**Саида ИКРОМОВА.**

## ФАХРИЙЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ

**Ангрен бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази моддий ёрдами билан бир гуруҳ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда пенсионерлар "Товоқсой", "Оқтош", "Турон", "Ботаника", "Олтиариқ" сингари санаторий-курортларда бепул даволаниб, соғлиқларини мустаҳкамлашди.**

Ўндан зиёд ёлғиз кекса ва ногиронларга манзилли ижтимоий ёрдам берилди. Ҳомийлар 50 га яқин нуронийларга совға-саломлар улашиб, бир ярим миллион сўмликдан ортиқ имтиёзли транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши 3 декабрь – Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Суранкент қишлоғининг "Қизилсой" ва "Қоратухум" маҳаллаларида "Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!", "Маҳалла – аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази" лойиҳалари доирасида "Соғлом оила – жамият таянчи" мавзуида давра суҳбати ўтказди.**

## АРАВАЧА СОВҒА ҚИЛИНДИ

Маҳаллий кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари, "Туркистон" қишлоқ врачлик пункти шифокор ва ҳамширалари, кексалар, уй бекалари ва ёшлар иштирок этган тадбирда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси мутахассислари, маҳаллий кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Хусусан, Оқовул қишлоғи "Чумчуқжар" маҳалласида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Юлдуз Эгамқулованинг ногиронлар аравачаси эскириб, таъмирталаб ҳолга келгани учун янгиси совға қилинди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

Одам савдоси

# ЧЕГАРА БИЛМАС ИЛЛАТ

**Одам савдоси инсон ва унинг дахлсиз ҳуқуқлари, қадр-қиммати, осойишта ҳаёти ва келажагига жиддий путур етказаяпти. Бу чегара билмас, миллат танламас иллат миллионлаб кишиларни ўз домига тортаётир. Энг ёмони ёш, гўр йигит-қизларимиз унинг қурбонига айланмоқдалар.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича 3 миллионга яқин киши одам савдоси жабрдийдасига айланмоқда. Ёш навқирон йигитлар қулликка, гўзал қиз-жувонлар фоҳишаликка мажбур этилаяпти. Бунинг оқибатида минглаб оилалар барбод бўлаяпти.

– Хорижда оч, юпун юриш устига жисмоний зўриқиш иммун тизимига кучли таъсир этади, – дейди вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассиси Роҳила Юсупова. – Натижада, сил, вирусли гепатит, тери-таносил ва бошқа юқумли касалликлар авж олади.

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда жабр кўрганларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чоралар белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 9-моддасига кўра, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилади.

Ижтимоий реабилитация одам савдосидан жабрланганларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик тураржой беришни қамраб олади. Ижтимоий реабилитация давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**Камола ТЎЛАГАНОВА,**
**вилоят Саломатлик ва тиббий статистика институти директори.**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# АЙБНИ ЎЗИМИЗДАН ҚИДИРАЙЛИК

**Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида халқ хўжалиги тармоқлари, саноат корхоналари, мактаб, боғча, маҳалла ва тураржойларда режали текширувлар ўтказиб, учрашув ва суҳбатлар уюштириб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтирмоқда. Бироқ, доимий огоҳлантириш ва тушунтиришларга қарамай, ёнғинлар ҳамон рўй бермоқда.**

Шу йилнинг 10 ойида вилоятда 1315 та ёнғин содир булиб, уларнинг 765 таси (58,2 фоизи) фуқаро тураржойларида, 462 таси (35,1 фоизи) бошқа жойларда ва 88 таси (6,7 фоизи) халқ хўжалиги объектларида юз берди. Натижада, 15 фуқаро ҳалок бўлди, 57 киши турли даражада тан жароҳати олди. 3 миллиард 788 миллион 84 минг 189 сўмлик моддий зарар кўрилди.

Ёнғинларнинг 141 таси печь ва газ қурилмалари, 305 таси электр мосламалари носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидалари бузилиши, 615 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 158 таси болаларнинг олов ўйнаши оқибатида содир бўлди.

14 октябрь куни Паркент тумани, Заркент қишлоғи, "Қўрғон" маҳалласилик Бахтиёр Эшов чекиш чоғида эҳтиётсизлик қилиб, ўз умрига зомин бўлди. Уй томи, шифти, жиҳозлари ёнгани устига эгасининг 100 фоиз куйган жасади топилди.

23 октябрь куни Чиноз тумани, Олмазор шаҳарчаси, Ҳамза маҳалласида яшовчи Юсуф Умирзоқовнинг уйидаги печи мўрконлари носозлиги сабабли ўт чиқиб, уй томи, шифти, ошхона ва жиҳозлари ёниб кетди.

Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган бор мол-мулкингиз бир неча сонияда кўкка совурилиб, фожиа қурбони бўлмай десангиз, олов билан ўйнашманг. Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлиш, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш лозим.

**Сардор НУРМЕТОВ,**
**вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.**

**Ҳар йилги тажрибалардан маълумки, куз ва қиш фаслларида ёнғинлар кўпаяди. Уларнинг 80 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи газ иситиш печлари ва турли электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда.**

## БУНДА ҲАММА МАСЪУЛ

Совуқ кунлар бошланиши билан фуқаролар қўлбола, носоз ва ишлатишга мутлақо яроқсиз иситиш мосламаларидан фойдаланишлари натижасида ёнғинлар кескин кўпаяди.

Содир бўлаётган ҳодисалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим фуқаролар ёнғин хавфсизлиги масаласига лоқайд, бепарво муносабатда бўладилар, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмайдилар.

Шуни ҳисобга олиб, "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давомида соҳа ходимлари аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтирдилар. Улар аҳоли тураржойларида бўлиб, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

**Бекжигит ЖАНИБЕКОВ,**
**12-ҲЁХО 1-ҲЁХ кичик инспектори.**

Болалар спорти

# ВАТАНИМНИ ДУНЁГА ТАНИТАМАН...




**Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, спортсеварларга кенг имконият ва шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу спортчиларимиз сафи кенгайиб, маҳоратлари ошиб, жаҳон ареналарида давлатимиз байроғи ҳилпирашига замин яратаяпти.**

– Ягона орзуим Ватанимни дунёга танитиш, унинг жаҳондаги мавқеини ошириш, – дейди Ўрта чирчиқлик Саидраҳмон Абдунабиев.

Ҳали 10 га кириб улгурмаган Саидраҳмоннинг сўзларини тинглаб, ўзига ишончи баланд эканига амин бўлдик.

Бола бошидан деганларидек, унинг бўй-басти ҳақиқий спортчиларга хос. 5 ёшлигида қўлидан тутиб, универсал жанг билан шуғулланишга етаклаб борган Абдунаби ота набирасининг бугунги ютуқларидан мамнун. Ота набирасининг ҳар бир чиқишини ўзгача ҳаяжон, фахр-ифтихор билан кузатади.

– Айрим болалар ҳар қанча спорт билан шуғулланмасин, фурсат ўтгач ундан йироқлашади, – дейди мураббий Дониёр Султонов. – Бунинг сабаби, улар спортга шунчаки қизиқади, холос. Бироқ қизиқишнинг ўзи кифоя эмас. Уни севиш, ҳис қилиш керак. Саидраҳмон шу хислат эгаси.

Тумандаги "Сардорбек Диёр" спорт клубининг аъзоси Саидраҳмон Абдунабиев бу йил ўсмирлар ўртасида вилоятимиз бўйича ҳамда Ўзбекистон кубоги учун курашда биринчи бўлди. Шунингдек, универсал жанг бўйича 10-11 ва 12-13 ёшлилар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

– Ҳақиқатан ҳам Саидраҳмон бизнинг фахримиз, – дейди "Сардорбек Диёр" спорт клуби раҳбари Жавоҳир Тўхтамуродов. – Ундан яхши спорт устаси чиқишини аввалдан билганман. Насиб қилса, унинг орзулари, албатта, рўёбга чиқади.

**Ирода МАҚСУДОВА.**

Маросимларга муносабат

# ИСРОФ – ҲАДДАН ОШМОҚДИР

Маълумки, либос – киши маънавиятининг ифодаси. Бугун юртимизда диний ва миллий қадриятларни қоим қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда тўй-ҳашам ва маросимларда эркагу аёлларнинг, ёшу кексаларнинг кийиниш маданиятига бир эътибор қаратайлик. Айниқса, келин ва куёвларнинг ташқи қиёфаси миллий ва диний қадриятларимизга нечоғлик тўғри келади? Ёки уларнинг никоҳ кечаларида қиладиган айрим "қилиқ"лари қайси қолипга сиғади? Орзу-ҳавасни рўкач қилиб, келин-куёв ва раққосларнинг устиларидан пул сочаётган "бойвачча"ларнинг иши қайси меъёрга тўғри келади? Агар уларга маҳалладаги бирорта ночор кимсага ёрдам бериш ёки кўча, мактаб, боғча ва қабристонга ободончилик учун бироз кўмак керак дейилса, қандай жавоб қилишлари маълум. Ортиқча дабдабаю, кераксиз харажатларни қисқартириб, машаққат ила топилган неъматни ўринли жойларга, энг кераги фарзандларнинг маърифати, илм олишига сарф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яратганга шукрки, истиқлол туфайли беқиёс имкониятларга эга бўлдик. Майда-йирик тўй ва маросимлар тўйхона ва кошоналарда ўтказилаяпти. Айрим тадбирлар ихчам, чиройли, ортиқча дабдабаларсиз ўтаётганини кўриб, ҳавас қиласиз. Аммо, жойларда никоҳ кечалари, қиз базми, хатна тўйлари тобора шуҳратпарастлик, риёкорлик ва исроф гирдобига ғарқ бўлиб бораётгани кишини ранжитади. Айниқса, дастурхон ёзиб, ош тортиб, фақат тўқ одамларнинг қорнини тўйғазиш билан овора бўлаётган бойваччаларни кўриб, ҳайрон қоласиз. Ваҳоланки, мусулмончиликда халққа таом беришдан асосий мақсад йўқсилларнинг кўнглини шод этиш эди. Бир муборак Ҳадисда Пайғамбаримиз шундай марҳамат қиладилар: "Таомнинг энг ёмони бойлар чақирилиб, камбағаллар тарк қилинган валийма (тўй зиёфати) таомидир".

Тўйхона ва кошоналарга имконияти етганлар боради, албатта, бироқ маросим соҳиби ўзининг яшаб турган маҳалласидан фақир-фуқароларни, йўқсилларни, имконияти чекланган кишиларни олиб бориб тўйдирганида эди, нечоғлик савоб бўларди. Шундай тўйхона хизматчиларидан бири билан суҳбатлашдик. "Эрталаб бериладиган эркаклар оши бир соат, нари борса бир ярим соатда ўтиб кетади. Аммо бирор соатдан кейин аёллар тўпланадиган маросимлар бизни қийнайди", дейди у. Сабабини сўрасак, аёлларимиз келин-куёвларга аталган сарпо-суруқларни тўйхонага ташиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб, соатлаб тўйхонани банд қилиб ўтиришлари, ҳаёю андишани мутлақо унутиб, бемаъни, ўхшовсиз рақсларга тушиши, бачкана қилиқлар қилишини айтди. Аслида никоҳ тўйининг қиз узатиб бориш жараёнида маҳалла маслаҳатчиси бошчилигида кўпни кўрган табаррук ёшдаги онахонлар муқаддас никоҳни эъзозлаш, оила, қайнона-келиннинг бурч ва вазифалари ҳақида маслаҳат ва ўгитлар бериши мақсадга мувофиқ эди. Бироқ, опа-сингилларимизнинг ажнабий қилиқлар қилиши, миллатимизни дунёга танитган ҳаё, иффат каби фазилатларни унутиб қўяётганлари ачинарли ҳолдир. Бир Ҳадисда Пайғамбаримиз: "Ҳар бир диннинг ўз хулқи бордир. Исломнинг хулқи ҳаёдир", дедилар. Эр кишига ҳам, аёл кишига ҳам ҳаё фазилатдир.

Никоҳ тўйи ортидан келадиган яна бир қанча дабдабалар борки, улар мусулмон бўлмаган кишиларни ҳам ҳайратга солади. Масалан, "келинсалом", "чарлар ва қуда чақириқ", "ҳафталик ва ойлик йўқловлар", "чимилдиқ ечар" ва ҳоказо. Қиз фарзандини ўстириб, ўзи киймаган либосларни сеп қилиб, ўзи тутмаган ашёларни жиҳоз қилиб, тенгини топиб турмушга узатиб, яна камига тўйдан кейин қуда томонни бир неча кунгача турли тансиқ таомлар билан боқиши қайси динда, қайси миллатда бор? Бу ортиқча сарсонгарчилик ва молни зое қилишдан бошқа нима беради?

Бундан ташқари, оилада фарзанд туғилиши билан пайдо бўладиган "удум"лар ҳам кишининг иқтисодий аҳволини бир ҳолга келтириб қўяди. "Қовурдоқ", "бешикка солиш", "чиллагузарон", "бешик тўйи" каби маросимлар кун сайин катталашиб бораётгани ҳам кишини ранжитади. Бу оилавий, ҳеч кимга зарар келтирмай, овоза ҳам қилмай, икки табаррук онахон иштирокида, уларнинг фойдали тавсиялари ва дуолари ила бўладиган маросим эди. Энди каттагина бидъатга айланмоқда. Аслида, фарзанд дунёга келганида имконияти бўлган кишиларга фақат "ақиқа" деб аталувчи маросим кифоя. Она-бола соғ-саломат бўлгани учун бир жонлиқ сўйилиб, бир қисм гўштни қўни-қўшнилар, қариндошларга тарқатилса ёки зиёфат тарзида ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказилса, мақсадга мувофиқдир.

Яна одамлар орасида динимиз мутлақо ман қилган "мушкулкушод", "бибисешанба", "Анбар она", "лочира" ва "чўзма тарқатиш" каби хурофот тадбирлар ҳам бор. Бу нарсалар ҳам баднафс кимсалар томонидан ўйлаб топилган бидъат ишлардандир. Буларга мол ҳам, вақт ҳам сарфлаш энг катта исрофдир.

Шунингдек, одамлар орасида "Пайғамбар оши", "Ҳаж оши" каби маросимлар ҳам пайдо бўлди. Бирор киши олтмиш уч ёшга кирса, халққа ош бериш одатга айланиб қолди. Аслида Пайғамбар ёшига кирган инсон янада ибодатгўй бўлишга ҳаракат қилиши матлубдир. Беҳад шукрки, мустақиллик шарофати билан қанчадан-қанча юртдошларимиз Ҳаж зиёратига бориб келмоқдалар. Мазкур ибодатни адо этган инсон янада камтар, тавозели ва гўзал хулқли бўлиши лозим. Чунки, Ҳажга бориб келган кишиларга иззатталаблик, димоғдорлик ва шуҳратпарастлик ярашмайди. Шукрона тарзида эҳсон қилишлари мумкин. Бу ҳам дабдаба, риё, исроф каби иллатлардан холи бўлиши шарт.

Бир куни уч барваста таниш йигитлар билан учрашиб қолдик. Улардан бири ногоҳ: "Юринглар фалончиникига, у онасига худойи қилаяпти. Тушлик қилиб келамиз", деди. Наҳотки, иш шу даражага етган бўлса? Кимларнингдир ўлими ва уларга атаб қилинаётган баъзи бидъат маросимлар бошқалар учун тушлик бўлса? Яхшилаб ўйлаб кўрадиган вақт етмадимикан?

Бунинг устига тўй-ҳашам, маросим ва тантаналар туфайли қанчадан-қанча одамлар қарзга ботаётгани, бидъат-хурофот қурбонларига айланаётгани, кўпинча дабдабалар мусибат билан якун топаётгани, молпарастлик натижасида қариндош-уруғлар орасига совуқчилик тушаётгани ҳеч кимга сир эмас. Агар тарихга назар солсак, қадимги халқларнинг бошига келган кўпгина мусибатлар исроф ва ҳаддан ошиш туфайли эканини кўрамиз. Шундай экан тарихдан ибрат олиб, ҳар бир ишимиз оқилона, диний ва миллий қадриятлар асосида бўлишига ҳаракат қилмоғимиз керак. Зеро, мол ҳам топилар, имкон ҳам топилар, аммо, бидъат ва хурофот ишларга, кераксиз маросимларга, мусобақалашиб қилинаётган дабдабабозликларга кетган сарф-харажатлару вақт ортга қайтармикан? Ахир, умр кишига бир бора бериладиган ғанимат неъмат-ку! Уни мазмунли ва мароқли ўтказиш учун барча бидъат ва хурофотлардан, ортиқча шуҳратпарастлик, ва айниқса, исрофдан сақланишимиз энг тўғри йўлдир.

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Руҳшунос маслаҳати

# БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Белинский эса оиладаги муҳит тарбияловчи характерга эга бўлмаса, бу жамият фожиаси эканини таъкидлаган. Машҳур немис руҳшуноси Зигмунд Фрейд жамиятда содир бўлаётган жиноятларнинг аксариятини болалигида ота-онаси билан яхши муносабатда бўлмаган, носоғлом муҳит ҳукм сурган оилада тарбия кўрган, ота-она меҳри ва эътиборига муҳтож шахслар содир этганини тадқиқотларида исботлаб берган.

Шундай экан, фарзанд тарбиясида оилавий муҳит, шу билан бирга оила аъзоларининг маънавияти ва маданияти муҳим аҳамият касб этади.

**– Умуман олганда, болани тарбиялашда ёшнинг аҳамияти борми? Тарбия неча ёшдан бошланади?**

– Болага мумкин ва мумкин эмас деган тушунчаларни 1 ёшданоқ сингдириб бориш керак. Аммо болани она қорнидалигиданоқ тарбиялаш лозим дейишади. Чунки, у бу даврда ҳам ҳамма нарсани англайди. Шу ўринда япон олимларининг тадқиқотини мисол келтириш ўринли. Тадқиқот она қорнидаги ҳомила 3 ойлик вақтида бошланган. Олимлар шиқилдоқ ўйинчоқни она тушлик қилишидан олдин қорининг ўнг томонида, кечки сайр олдидан эса чап томонида чалганлар. Натижада, ҳомила 6-7 ойга етганида она қорнини тепиб тушлик ва сайрни эслатиб турган. Бу шуни англатадики, бола ўша даврданоқ ўзига тегишли бўлган ҳаракатни тушунган. Мутахассислар фикрига кўра, боланинг ақлий ривожланишида ҳомила даврида онанинг китоб ўқиши, изланиши катта аҳамият касб этар экан. Маълумотларга қараганда, ҳомила вақтида диплом ёқлаган, кўп мутолаа қилган оналарнинг фарзандлари ривожланишда тенгдошларидан анча олдинлаб кетган.

Аслида бола уч ёш бўлгунича, кўнглига қараш, яъни хоҳиш-истакларини меъёрида бажариш керак. Шунингдек, унга нисбатан чеклов борлигини ҳам эслатиб туриш шарт.

Дейлик, бола сизга мушт туширди. Дарҳол унга ўзи каби жавоб қайтариш нотўғри. Ундан кўра, "мушт"нинг оғриқли эканини, у яна шундай қилса гаплашмаслигингизни айтсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Бундай вазиятда бошқа биров – "ҳимоячи" аралашмагани маъқул. Акс ҳолда бари бефойда.

Агар бола танбеҳдан сўнг йиғласа, бироз вақт ўтгач, уни қўлингизга олишингиз мумкин. Чунки, у ўтган вақт мобайнида хато иш қилганини англаб олади. Унутмаслик керакки, болага қайта ва қайта такрорлаганингиздан сўнгина "мушт" туширмайдиган бўлади. 1,5 ва 2,5 ёшларда маънавий тарбия, яъни, катталарни ҳурмат қилиш, салом бериш, тўғри ва нотўғри каби тушунчаларни "уят бўлади" ибораси орқали англатиш яхши самара беради. Масалан, айрим оналар 3 ёшли фарзанди ҳамон "памперс"да юришини айтиб, куюнадилар. Сабаби эса оддий, болада бу уят экани ҳақида тушунча йўқ. Баъзида болалар "ўзим овқат еяман" деб хархаша қиладилар. Албатта, унинг хоҳишига хайрихоҳлик билдириб, овқатни тўкиб ейиш уят эканини уқтириш лозим.

**– Гоҳида гапимизга қулоқ солмаётган фарзандимизга қандай чора қўллашни билмай қоламиз...**

– Руҳшунослар бола хулқидаги жиддий ўзгаришларнинг 4 та асосий сабабини аниқлаганлар. Булар, эътиборни тортиш, ўз эркинлиги учун курашиш, ўч олиш истаги ва ўз кучига ишонмаслик. Демак, болага эътибор етишмаса, у ўзига қаратиш учун ўзини шундай тутади. Ота-онанинг ҳаддан ташқари ғамхўрлигига жавобан эса улар ўзининг "мен"и учун курашадилар. Бола айтилган ишнинг аксини қилиб, буни исботлашга уринади. Одатда болалар бўлар-бўлмасга хафа бўладилар. "Ўч олиш" шундай пайтда юзага келади ва у хафа қилган одамни жазоламоқчи бўлади. Боланинг бу хатти-ҳаракатлари катталарда қанчалик норозилик уйғотса, улар бундан баттарини қилишга интиладилар.

**– Болани эркин, мустақил фикрловчи қилиб тарбиялашда нималарга эътибор бериш керак?**



– Бу кенг қамровли тушунча бўлиб, болани эркин қилиб тарбиялашда ўзига хос усул ва омиллар мавжуд. Қатор олим ва педагоглар бу борада талай тадқиқотлар ўтказганлар. Бунга италиялик педагог Мария Монтоссори тадқиқотларини мисол қилиб келтириш мумкин. "Бизнинг болаларга муносабатимизни ўйлар эканман, биз уларда туғилажак ақлий туйғуларни эҳтиёткорлик билан ривожлантирувчи ҳамда машқ қилдирувчи омил эканлигимизни таъкидламоқчиман. Шундай экан энг аввало, бола бизнинг шахсий мулкимиз деган фикрдан узоқлашишимиз керак. Бола нафақат оила аъзоси, балки жамиятнинг бир бўлагилигига кўникишимиз зарур" дейди Монтоссори. Бундан ташқари, у боланинг ақлий ривожланишида турли ўйинчоқлар билан боғлиқ машқларни мустақил бажариши кераклигига катта эътибор беради. Шунинг асосида болакайнинг интеллекти ошади, у ўзини ўзи бошқаришга, идора қилишга ўрганади. Эътиборлиси, боланинг қўл ҳаракатлари ривожлана бориши натижасида унинг эрта гапириш, шакл, ранг, ўлчамни фарқлай олиш каби қобилиятлари шаклланар экан. "Шуни унутмаслик керакки, – дейди Монтоссори, – мактабгача тарбия ёшида болада шахснинг энг муҳим ақлий сифатлари, характер белгилари ҳосил бўлади".

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ирода НОРБОЕВА суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма

# ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган "Орзулари бир олам қалблар" номли кўргазма очилди.**

Имконияти чекланган болаларнинг ҳаётга мослашиши, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Sanvikt" ногирон болалар илмий-тадқиқот маркази фаолияти жисмоний имконияти чекланган ёшлар бадиий истеъдодини аниқлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга йўналтирилган.

Айни пайтда марказда беш ёшдан ўн етти ёшгача бўлган кам таъминланган ва имконияти чекланган болалар рассомлик, ҳайкалтарошлик, гилам тўқиш, гул солиб безаш, миниатюра ва зардўзлик санъати сирларидан таҳсил олмоқда.

Мазкур кўргазмага "Sanvikt" ногирон болалар илмий-тадқиқот маркази ҳамда "Иқтидор" ногирон болалар ижодий санъат марказида таҳсил олаётган ёшларнинг юздан ортиқ ижодий иши қўйилган.

Кўргазма доирасида имконияти чекланган болалар учун хаттотлик, оригами йўналишлари ҳамда япон санъати бўйича турли маҳорат дарслари, семинарлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

**Г. САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

XXI аср ва дунё

## ГАМБУРГЛИКЛАР ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА ҚАРШИ

**Associated Press агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Германиянинг Гамбург шаҳри аҳолиси референдум давомида 2024 йилги Олимпия ўйинлари ушбу шаҳарда ўтказилишига қарши овоз берди.**

Протоколларнинг асосий қисми кўздан кечирилгач, референдумда иштирок этган фуқароларнинг 51,6 фоизи қарши овоз бергани маълум бўлди. Натижада, Гамбург даъвогар шаҳарлар рўйхатидан чиқиб кетди. Энди Париж, Рим, Лос-Анжелес ва Будапешт шаҳарлари курашни давом эттиришади. Халқаро олимпия қўмитаси 2024 йилги Олимпия ўйинлари қаерда ўтказилиши тўғрисида 2017 йил сентябрь ойида сўнгги қарорини қабул қилади.

Маълумотларда келтирилишича, агар ушбу Олимпиада Гамбургда ўтказилганида 11 миллиард евро миқдорида сарф-харажат бўлар экан. Гамбургликлар айнан шу сабабли рад жавобини беришган. Ваҳоланки, референдум арафасидаги сўровномада 56 фоиз аҳоли Олимпиадани ёқлаган эди. Айтишларича, Париждаги ўйингоҳда содир этилган террорчилик акти сабабли гамбургликлар шундай қарорга келишди. Зеро, ўша фожиада 130 киши ҳалок бўлди. Орадан тўрт кун ўтиб, яъни 18 ноябрда Ганновер шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Германия ва Нидерландия терма жамоалари учрашуви ҳам шу сабабли бекор қилинди.

## АНГЛИЯДА СУВ ТОШҚИНИ ХАВФИ

**Британиянинг бир қатор туманларида кучли ёмғир ва қаттиқ бўрон сабабли сув тошқини юз бериши мумкинлиги ҳақида аҳоли олдиндан огоҳлантирилди, деб ёзади The Telegraph газетаси.**

Таъкидланишича, шамолнинг тезлиги соатига 113 километрга етган. Бундай ноқулай об-ҳаво шароити сабабли аэропортларда бир қатор рейслар бекор қилинди, темир йўл ҳамда Шотландия ва Англиянинг шимоли-шарқидаги автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтатилди. Ирландияда минглаб уйлар электрсиз қолди.

Метеорологларнинг маълумотларига қараганда, ушбу хавфли об-ҳаво шароити яна икки ҳафта давом этиши мумкин. Ҳозиргача табиий офат қурбонлари ва жабрланганлар ҳақида хабар тарқатилмади.




## ХИТОЙДАГИ ЗАВОДДА ЯНА ФОЖИА

**Хитойнинг Цзоупин уездидаги пўлат қуйиш заводида якшанба куни кечқурун заҳарли газ тарқалгани муносабати билан 15 дан зиёд ишчи заҳарланди.**

Корхонанинг жабрланган барча ходимлари шифохоналарга ёткизилди. Дастлабки хабарларга қараганда, қурбонлар 10 кишидан ошди. Яна 7 киши оғир аҳволда экани ҳақида хабар тарқатди Синхуа агентлиги.

Маҳаллий ҳокимият ҳамда тергов идоралари авария сабабларини аниқламоқда.

## ОКЛАХОМАДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

**Американинг Оклахома штати губернатори Мэри Феллин хатарли об-ҳаво шароити муносабати билан 77 та округнинг ҳаммасида фавқулодда вазият жорий этилишини эълон қилди.**

USAToday портали тарқатган хабарда таъкидланишича, бир нечта штатда 14 киши табиий офат қурбони бўлди. Губернатор канцелярияси маълумотларига кўра, совуқ ёмғир ҳамда хўл қор электр симларини узиб ташлагани боис 100 мингга яқин уй электр қувватисиз қолди. Шунингдек, Канзас штатида ҳам 10 мингта уйда электр таъминоти издан чиқди. Оклахома, Техас ва Канзас штатларида мураккаб об-ҳаво шароити туфайли камида 9 киши қурбон бўлгани ҳақида илгари хабар тарқатилган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4532. Адади 7502. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.